Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 30 май пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 114 (2942)

## ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК – БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Тошкент ислом университетида “Динлараро тотувлик барқарорлигида диний манбаларнинг ўрни” мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган Фанлар Академияси шарқшунослик институти ва Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари, Тошкент олий маъҳади ҳамда диний таълим муассасалари мударрислари диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш ва ғайриқонуний миссионерликнинг олдини олишга бағишлаб жойларда ўтказилган мунозараларни умумлаштириб, зарур тавсия ва таклифлар ишлаб чиқдилар.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов мустақиллик йилларида мамлакатимиз ва хорижий давлатларда нашр этилаётган диний адабиётлар кўламининг кенгайиши динлараро мулоқотга йўл очиб бериши билан бир қаторда, баъзи диний манбалар таржималарида камчиликлар борлигига эътибор қаратдилар. Муқаддас китоблар — Қуръони карим ва Инжил маъноларини ўзбек, рус ва бошқа ажнабий тилларга таржима қилишда билиб-билмай йўл қўйилаётган нуқсонлар турли дин вакиллари ўртасида тушунмовчилик туғдириб, бу эса, ўз навбатида, диний бағрикенглик барқарорлигига хавф солиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Анжуманда соҳа мутахассисларининг “Қуръон ва Инжил таржималари”, “Христиан диний генезиси ва Инжил”, “Инжилдаги диний истилоҳларнинг ўзбек тилига таржимаси”, “Диний бағрикенглик ва миссионерлик” мавзуларидаги маърузалари тингланди, муҳокама ва мубоҳаса қилинди.

Семинар иштирокчилари тинчликни асраш, турли миллат, элат ва дин вакиллари ўртасида дўстлик ва биродарликни янада такомиллаштиришда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Мунозарада фикр билдирган диншунос, ҳуқуқшунос, шарқшунос олиму уламолар ҳамда республикада фаолият кўрсатаётган турли диний конфессия вакиллари кўтарилган муаммоларнинг ечими юзасидан тегишли тавсия ва амалий таклифлар қабул қилди.

(ЎзА).



Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги “Халқобод” ширкат хўжалиги республикада биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажарди.



## Болалар ташкилоти анжумани

Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Болалар ташкилотининг биринчи республика анжумани бўлиб ўтди.

Унда ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри етакчилари ва вакиллари иштирок этди.

Анжуманда ташкилот барпо этилгандан буён ўтган бир йил мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Болалар ўртасида турли спорт мусобақалари, халқ ўйинлари, танловлар ва қизиқарли учрашувлар ўтказилди. Ташкилотнинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув-семинарлар уюштирилди. Болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини яхшилаш, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатларнинг зарарли оқибатларидан ёшларни тўла хабардор этиш мақсадида кенг қамровли тадбирлар ташкил этилди. Бу борада ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбирда ташкилотнинг келажакда амалга оширадиган ишлари ҳам белгилаб олинди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.



## ҒАЛЛА ХИРМОНЛАРИ

600 гектар майдондаги буғдой 18 иш кунида ўрилиб, ҳар гектар ердан ўртача 41 центнердан ҳосил олинди.

Тайёрлов идорасига 2 минг 59 тонна сара дон топширилди. 102 оилавий пудратчи орасида ҳосилдорликни 55-60 центнерга етказганлар кўпчиликни ташкил этади. Ҳали далада ўриб-йиғилмаган яна 200 гектар майдон бор. Шу боис халқободликлар ғалла хирмонини 3 минг 433 тоннага етказиш ниятида.

Туманнинг Ҳамид Олимжон номидаги ширкат хўжалиги ҳам маррага етиб келди. 290 гектар майдондаги буғдой 14 иш кунида ўриб олинди. Ўртача ҳосилдорлик ҳозирча 37 центнерни ташкил этди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

*СУРАТЛАРДА: ижарачи Абдураҳим Мардаев, бош агроном Абдуҳалим Хуррамов ва ижарачи Чори Хўжакелдиев бу йилги ҳосил чўғидан мамнун; бошқарув раиси Неъматулло Аҳадов илғор комбайнчи Алимардон Беккамовни меҳнат ютуғи билан табрикламоқда.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

## Тадбиркор доим ҳимояда

Пойтахтимиздаги “Авиасозлар” маданият саройида “Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан бирга шаҳар адлия, банк, божхона, солиқ инспекцияси, суғурта агентликлари, санитария милицияси хизмати мутасаддилари иштирок этди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилди. Тадбиркорлар учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби, статистик ҳисоботлар топшириш тизими соддалаштирилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган қулай шарт-шароит яратилди. Назорат ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан тадбиркорлар фаолиятини текширишлар анча камайди. Имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш миқёслари кенгайтирилди.

Шу билан бирга, ҳали ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Семинарда ана шу муаммоларни ҳал этиш борасида атрофлича фикр юритилди.

Семинар доирасида Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган кўплаб хусусий ҳамда қўшма корхона ва фирмалар маҳсулотларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

## ЯПОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ – ҚЎҚОНДА

Иккинчи жаҳон урушида асирга тушган япон аскарларининг катта бир гуруҳи ўз юртларидан олисга «асир» деган тавқилаънат билан келишга мажбур бўлишган эди. Мана шунга ҳам ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бугун Қўқондан Қамчиқ довонига элтадиган йўлнинг бўйидаги қабристонда япон миллатига мансуб бўлган 240 дан зиёд уруш, жаҳолат қурбонининг ҳоки ётибди.

Илгарилари кўпчилик бу ерга кимлар кўмилганлигини ҳам тузукроқ билмасди. Юртимиз истиқлолга эришгач, Ўзбекистон билан Япония мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик, дўстлик, дипломатик алоқалар ўрнатилгач, асрлар қаърида яшириниб ётган бу сир ҳам рўёбга чиқди. Қўқон шаҳар ҳокимлиги, «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси, жамоатчилик саъй-ҳаракати билан олис юртдан келиб Ҳўқанди латифда вафот этганлар хотираси тикланди. Уларнинг номлари мангу лавҳаларда муҳрланиб қолди.

— Мен қабрлар изсиз йўқолиб кетган бўлса керак, деб ўйлагандим, — дейди мамлакатимизга ташриф буюрган Япония жамоатчилигининг дўстлик миссияси аъзоси Ясуя Хамада. — Қўқонликларга минг раҳмат. Ярим асрдан ошиқроқ вақт ўтса ҳам улар олис юртдан келган кишиларнинг руҳини шод этиб, сира унутишмабди. Мен фақат кўзларимда ёш билан уларга таъзим бажо қиламан.

Бундай дил сўзларини Қўқондаги япон миллатига мансуб шахслар дафн этилган қабристонда бўлган кунчиқар юртлик меҳмонларнинг кўзларидан, юзларидан, ҳаяжонларидан уқиб олиш мумкин эди. Меҳмонлар шунингдек, Қўқон шаҳридаги тарихий обидаларни кўздан кечиришди. Риштон шаҳридаги япон тилини ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари билан ҳам мулоқотда бўлишди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

## УЗЛУКСИЗ МЕТОДИК ТАЪЛИМГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Халқ таълими вазирлиги ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ташкил этган узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган ўқув семинари бошланди.

У Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич вазифаларини амалиётга татбиқ эта бориб, ўтган ўқув йили давомида узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг янги тизимини жорий этишда орттирилган тажрибалар, эришилган ютуқлар, юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимини муҳокама қилиш мақсадида ўтказилмоқда.

Методик хизмат самараси ўқитувчи малакаси ва ўқувчи билим даражасида акс этади. Шу боис халқ таълими тизимининг қуйи босқичларида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш зарурати юзага келди. Шу пайтга қадар таълим муассасалари учун методик хизматни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш республика миқёсида Таълим маркази, туманларда эса улардаги методик хоналар томонидан амалга оширилиб келинар эди. Давр вилоятларда ҳам шундай марказлар очишни тақозо этмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ва етти вилоятда методик марказ ташкил этилди. Қолган вилоятларда ҳам шундай марказлар очилади.

Икки кун давом этадиган мазкур семинар давомида иштирокчилар пойтахт туманларида тегишли йўналишлар бўйича тренинглар ўтказади, методик хоналар тажрибаси билан танишади.

Ҳулкар СОДИҚОВА,
ЎзА мухбири.

Акс-садо

Минг-минг йиллардан буён Шарқ шоирлари аёлларимизни гулга, ойга, қуёшга ўхшатадилар. Ва «Қандай аёл гўзал?» деган саволга «Гўдак кўтарган аёл», дея жавоб берадилар. Биз ана шу тасаввурларга ўрганиб, суяниб қолганмиз. Фақат ўрганиб қолганимиз учунгина эмас, ўзимизга шу тасаввур ёққанлиги учун, кўнглимизга ўтиришгани учун бот-бот опа-сингилларимизни дунёнинг энг гўзал, энг қудратли яралмишларига қиёслаймиз.

## ЙЎЛДАГИ АЁЛ

Аммо ҳаёт ҳаёт экан-да. Ҳар бир давр Аёл ҳаётида ўзича инъикос этади. Уруш унга ҳарбийча кийим кийдирди, жангчига айлантирди. Қарамлик тузуми соатларга боғланган, ўй-фикрлари чекланган, руҳияти сиқиндилик чангалида ғужанак бўлиб ётган ишчини яратди.

Мустақиллик шамоллари ана шу ғужанак руҳни ёйиб юборди. Айниқса, тобора кенгайиб, халқимизнинг асосий қатламларидан бирига айланаётган тадбиркорлик аёлларимизнинг ҳам фаолият майдонига айланди. Ҳар қандай кучли ўзгариш, кучли тўлқинларда кўпиклар ҳам, хас-чўплар ҳам юзага чиқиши, табиий. Аммо хас-хас, кўпик-кўпик, тўлқинлар уларни эртами-кеч қирғоққа чиқариб ташлайди ё шиддатидан парчаланиб, йўқ бўлиб кетади... десак, балки бироз янглишармиз. Гап шундаки, ўша тадбиркорликка берилган эрк туфайли ҳақиқий ишбилармонлар қатори тижоратчи сифатидан кўра олибсотар сифати кўпроқ мос келадиган бир гуруҳ ҳам пайдо бўлди.

Аслида тижоратчилик ҳам касб. Ота-боболаримиз Буюк Ипак йўлларидан юриб Шарқу Ғарб бозорларини обод қилгани, ўзимизнинг бозорларни ҳам бойитиб яшагани ҳеч кимга сир эмас.

Аммо аёлларнинг қоп кўтариб шаҳарма-шаҳар юриши оқибатида унинг оиласи, фарзандлари, ўзи руҳиятида кечаётган ўзгаришларга теранроқ нигоҳ ташласак, бу тижоратчиликдан фойда кўрамизми ёки зиёнми — аниқ сезилади.

Мен касбим тақозосига кўра, йўлда кўп юраман. Йўлда юрадиган (ҳозир уларни кўпроқ шундай аташади, ҳатто ўзлари ҳам «Йўлга кетяпман», «Йўлдан келдим» дейишади) аёллар билан кўп учрашаман. Ҳар гал ҳар хил таассурот. Бир гал... Катта-катта жомадон қопларни поезд йўлагидан юмалатиб, чувиллашиб етти-саккиз аёл кириб келишди. Йўловчиларнинг «ҳай-ҳай»ларига қарамай, қоп-жомадонларини ҳар ёққа тиқиштира бошлашди. Бир маҳал юкларни кўтариб чиқишган ҳаммол йигитлар ўртасида можаро бўлди, шекилли, овозлари қаттиқ-қаттиқ чиқиб қолди. Аёллардан бири йигитнинг ёқасига ёпишиб силкитди. Йигит хезланиб, қўлини кўтарди.

— Иним, ўзингизни босинг, жаҳлингизга эрк берманг. Онангиз тенги аёл... — ўзимча йигитни бир четга тортмоқчи бўлдим.

— Э, она... онами шу, боласи йўқ буларни! Бола ҳайф буларга! Шунақа онам бўлса, дарахтни йиқитиб, ўрнига экиб келардим...

Йигитнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқди. Шамол, тўполон ўтиб поезд юргач, билдимки, «командир» (аслида исми Саломат опа экан. Шу норасмий тижоратчилар гуруҳига бошлиқ бўлгани учун уни шундай аташар экан) пастда келишилган пулдан кам берган экан...

Мен йўл давомида уларни кузатдим, имкон қадар суҳбатлашишга уриндим. Хорижга қатнашар экан, ойда 2-3 кунгина уйларида тунашаркан.

— Қийин эмасми?

— Осонликда пул борми? Қароқчиси, рэкэтиниям кўрдик, қаллоб, алдоқчисиниям. Маданий қароқчилар ҳам кўп. Гоҳ олишиб, гоҳ ялиниб шу ергача келамиз. Ҳадеб талашиб-тортишаверсангиз, асаблар ҳам чидамай қоларкан. Салга ловуллаб кетамиз, — дейди ўзини Ҳурматой деб таништирган аёл. Унинг айтишича, фақат йўлда мол олиб бориб, олиб келадиганларга бир қадар осон экан. Нотаниш жойларда иссиқ-совуқда изиллаб аравачаларни судраб уйма-уй сотиб юрадиганларга янаям қийин эмиш. Паноҳи бўлмаса, бегона юрт, қай кўчадан қанақа одам чиқишини билмаса...

Рост, ана шу машаққатлар эвазига бу аёлларнинг қўлида доим пул бўлади. Орзу-ҳавас қилади. Машина минади. Шунинг учун улар ўз касбини (саккиз аёлнинг бештаси олий маълумотли экан) ташлаганига ичи ачишмайди. Лекин бундан ҳам кишини ўйлантирадиган жиҳати — оиласи ва боласидан узоқлигида. Ахир, уйда бир кун аёл бўлмаса сезилади. Болаларнинг ёши нечадалигидан қатъи назар, фақатгина оналарига айта олиши мумкин бўлган гаплари бўлади. Етти-саккиз ёш боланинг совуқда пайпоқсиз ботинка кийиб кетиши ё уйга келиб ҳўл пайпоқни ечмай юриши, бунинг зарарини фақат она пайқайди. Майкасиз яланғоч баданга кўйлак кийиб кетган болани ҳам ёлғиз она сезиши мумкин.

Ана шундай синчковлик, сезгирликдан мосуво болалар хасталикка чалинади. Борди-ю, пул топиш дардига йўлиққан бирор наркобизнесчи чангалига тушса, айниқса онасининг тижоратчилигини билса, айниқса, онанинг уйда кўп бўлмаслигини сезса... Бундай шароитда жисмоний хасталикдан оғирроқ дардларга йўлиқиши ҳам мумкин ёш ўсмирлар.

— Менинг болаларим уйни бемалол эплашади, қизим 13, ўғлим 15 да, — дейди юқоридаги мулоҳазаларимни тинглаб яна бир аёл.

13-15 ёш тиббиётда хатарли ёш — ўзгариш ёши ҳисобланади. Худо асрасин-у, бу ёшда...

Ҳамроҳларимнинг деярли ҳаммасининг эри ишламас экан.

— Сизнинг ўрнингизга у киши йўлга чиқса бўлмайдими?

— Эркак киши қовушимсиз бўлади, биз бир бурчакка, болачаларнинг орасигаям сиғиб кетаверамиз.

... Унинг гапида жон бор. Аммо аёл кишини шундай машаққатли заҳматга солиб, «Мен эплай олмайман» деб ўтириш эркакнинг шаънига тўғри келармикан? Шу иши билан уйнинг тўрига лойиқ оталарнинг ўзи ўз тақдирларига ҳукм ўқимаяптиларми?! Ахир, «енгилтабиат аёл», «эркакшода аёл» деган гап-сўзлар бекорга чиқмайди-ку.

... Мен бир пайтлар Мирзо Улуғбек туман судидаги оилавий ажримлар сабабларини ўрганган эдим.

— Тижоратга боради, сафардан келгач, кўнглим тортмади, — деди ёш оталардан бири.

— Сиз айбдорсиз, нега уни юборасиз, қолаверса, у ҳеч нарса қилмаган бўлиши мумкин-ку...

— Кўнгилга буюриб бўлмас экан. Мен унга уйланганда олтин тоғ ваъда қилмаганман. Топганимга қаноат қилсин, хотиним бўлгач... — деди йигит.

Мен бу мисолларни кимнидир оқлаб, кимнидир қоралаш учун келтираётганим йўқ. Фақат йўлдаги аёллар билан боғлиқ юзага келаётган муаммолар кўламини имкон қадар атрофлича кўрсатгим келяпти.

Уларнинг топган-тутгани, бировнинг қўлига термулгани, орзу-ҳавасларининг қанот ёйганини тарозининг бир палласига, болалар тарбияси, оиладаги унинг тобора бўшаб бораётган ўрнини тарозининг иккинчи палласига қўйса, қай бири тош босар экан? Бунинг устига фақат пул топишни касб қилган одам тобора ўз доирасида ўралаша бошлайди. Ўзи яшаётган мамлакатнинг интилиши, улкан мақсадларига қизиқмайди. Бу мақсад, интилишлар тобора уларга бегоналашиб боради. Ҳолбуки, яқин-узоқларга қатнаётган бу тижоратчи аёлларнинг ҳеч бири ношуд, бўшанг эмас. Чунки бўшанг аёл бундай қийин ишни эплай олмайди.

Нима учун Аёлнинг, қолаверса фуқаронинг феъл-атворидаги ғайрат-шаҳд фақат унинг ўз орзу-ҳавасини қаноатлантириши учун сарф бўлиши керак? Бу сарф увол-ку, ахир!

Ахир, бизга — тикланаётган мамлакатга ҳар бир фуқаронинг фазилати, айниқса, ғайрати нон билан сувдай зарур-ку. Нима демоқчиман? Йўлдаги аёлларнинг фазилатларини бегона қилмай, ўзимизга тортсак-чи? Ахир, қурилаётган, ишга тушаётган қатор қўшма корхоналар, ўзимизда ишлаб чиқариш суръати, сифатининг ўсаётгани, қолаверса, жаҳон андозаларига интилаётган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлардаги ўқишлар, бугун бўлмаса эртага самара беради-ку. Балки, эртага бозорларимиз ўзимизнинг молларимизга тўлар, балки, бу хилдаги мулоҳазаларгаям ўрин қолмас. Шунда бугунги йўлдаги аёллар мана шундай мураккаб даврда Ватанга, миллатга керак пайтда ўз-ўзича яшаганидан, кечаги кунда бирорта ўрни йўқлигидан афсусланмасмикин?

Булар ҳақида фақат улар эмас, ҳаммамиз ўйлашимиз керак. Чунки йўлдаги аёллар бир-иккитагина эмас...

Яна бир нарсани унутмаслигимиз керакки, одам боласи қилмишидан ҳосил бўлган иллат бир жойда туриб қолмайди. Фақат унинг оиласи ё фарзандини емирмайди, балки жамиятга таъсир қилади. Болалардаги тарбиянинг салқилиги, эркак кўнглидаги аламзадалик, ҳатто унинг ўзи хоҳлаб, уйнинг пойгагида тинчгина ўтириши ҳам жамиятда акс этади.

Шундай экан, ЙЎЛДАГИ АЁЛга — гоҳ ҳорғин, сочлари тўзғиган, кўйлакларидан тер ҳиди анқиб, оёқлари поезд, автобуслар чангидан қорайган аёлга бепарво бўлмайлик.

Қутлибека
РАҲИМБОЕВА.




АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

Шу йил 7 июнь куни соат 10.00 дан 12.00 гача Сизлар учун Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон ОБИДОВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.

Агар Сизни мамлакатимиз Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг шу борадаги қарори қандай бажарилаётганлиги қизиқтирса, умуман ижтимоий ҳимоя бўйича шахсан вазирдан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша куни қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг:

(8-371) 139-41-13, 139-41-24.

Мабодо вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўллашингиз ёки (8-371) 132-10-65 рақамли телефон орқали баён этишингиз мумкин.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

*Ислоҳот ва самара*

# ПОПДАГИ ЎЗГАРИШЛАР



## РАҚАМЛАРДА

Тасаввурингиз тўлиқ бўлиши учун Поп туманига хос айрим маълумотларни келтирамиз. 170 минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган бу туман Наманган вилояти ҳудудининг 44,7 фоизини ташкил этади. Шундай кенгликларни ишғол қилган масканда бир вақтнинг ўзида йилнинг тўрт фаслини кузатиш мумкин: тоғларда қор, адирда баҳор, чўлда жазирама, бошқа бир жойда хазонрезгилик. Албатта, шунча кенг қамровда ўзгариш қилиш учун фидойилик, ташаббускорлик талаб қилинади.

Попликлар эса астойдил ҳаракат қилинса, қандай натижаларга эришиш мумкинлигини амалда кўрсатишаяпти. Қуйидаги кўрсаткичларни таққослаб кўрайлик: 2000 йилда ҳар гектар ғаллазордан 24,5 центнердан ҳосил олиниб, 33,5 миллион сўм зарар кўрилганди. 2001 йилда ҳосилдорлик 35,6 центнерга етди, фойда миқдори 300 миллион сўмни ташкил этди. Икки йил олдин режа бажарилмаганлиги боис хонадонларга буғдой тушмаганди, ўтган йили давлат шартномасидан ташқари етиштирилган 10 минг тонна дон аҳолига тарқатилди. 2002 йилда 9366 гектар майдонда ғалла ўстираётган деҳқонлар ҳосилдорликни 45 центнерга (2000 йилдагига нисбатан 25 центнер кўп) етказишни кўзлашяпти. Ўтган йили моддий манфаатдорлик нима эканлигини ўз фаолиятларида кўрган ғаллакорларга бу йил икки ҳисса кўп буғдой олишлари мумкинлиги айтилганида, улар янада ғайрат-шижоат билан ишга тушиб кетдилар.

Поп қолоқлик домига тушган йилларда пилла етиштиришда ҳам режалар аро йўлда қолаётганди. Мана, икки йилдирки, туман «кумуш тола» топшириш маррасига Фарғона водийсида биринчи бўлиб етиб келяпти. Эътиборли бир рақам: бугунгача режадан ташқари етказиб берилган пилла 60 тоннани ташкил этди (бу айрим туманларнинг йиллик режасига тенг). Пахтачиликда ҳам туман 2001 йилда қолоқлик доғини ювиб, кўзланган режани ошириб бажарди. Бу йилги мўлжал эса ҳар қачонгидан юксак.

Албатта, попликлар фақат бугуннинг натижаси ҳақида ўйлашаётгани йўқ. «Марғизор» сув кўтариш иншооти жадал суръатда қурилмоқда, ушбу бунёдкорлик маскани ишга туширилгач, яна 17 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиш имкони туғилади.

Биз тилга олган рақамлар Поп туманида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги ҳаракат самараларини қисман акс эттиради. Табиийки, гап фақат иқтисодий кўрсаткичларда эмас.

## ҚИЁФАДА

Муаллимлар иш тажрибасида «кўргазмали қурол» деган тушунча бор. Яъни, ўқувчига сўзлар орқали тушунтиргандан кўра, муайян буюмнинг ўзини кўрсатиб изоҳлаш таъсирчанроқ ҳисобланади. Попда ҳам ислоҳотларнинг ҳаётбахш эканлигига ишонтириш учун туманнинг ташқи қиёфасини ўзгартириш, жозибали манзарасини яратиш йўлидан борилди. Ахир тўкилай-тўкилай деб турган иморат олдида янгиланиш ҳақида гап юритиб бўладими?!

Шу кунларда Попга борсангиз, ўзингизни худди шаҳарларда юргандай ҳис қиласиз. Биргина туман марказида ўн жойда фавворалардан отилган сув қуёш нурида ажиб товланади. Йўлларнинг кенг ва равонлигини айтмайсизми?! Ям-яшил майсазорлар баҳри-дилингизни очади. Чор-атрофга ўрнатилган мўъжаз фонтанчалардан чиқаётган тип-тиниқ сув томчилари ўзгача иқлимни яратиб турибди. Йўллар четига меҳр билан ўтқазилган гултожихўрозлар гўё бунёдкор одамлар дидини акс эттиргандай. Дарвоқе, бундай гуллар фақат аҳоли яшайдиган гавжум жойлардагина эмас, бир манзилдан кейинги манзилга уланиб кетган йўлларнинг ёқасида ҳам сизга ҳамроҳлик қилади. Ҳар жой-ҳар жойда «Озода уйга фаришта қўнади», «Попни энг гўзал, энг обод, энг бой туманга айлантирамиз» деган шиорларга кўзингиз тушади. Ҳокимлик биносининг қандай замонавий қиёфа касб этганлигини сўзда эмас, суратда кўрганингиз маъқул. Маданият саройи қанчалик кўркам ва серфайз гўшага айланганини билиш учун фақат ташқаридан қарамай, ичкаридаги чўғдай гиламлар тўшалган зални кўриш, юмшоқ ўриндиқларда ўтириш керак. Ишонинг, шундай фараҳбахш жойларда инсоннинг кўнглига фақат эзгу ўйлар келади. Худди шундай чароғон бинода эртанги кун режалари ҳақида ёруғ ниятларни айтиш ярашади. Туман қиёфасининг ўзгаришида Нозим Фахриддинов, Бургутали Йўлдошев, Мавлуда Бобоева, Расул Холиқов, Ҳуррият Бултирова, Олим Камолов, Зокир Темиров, Дилобар Умрзоқова, Замира Баҳромова сингари тадбиркорларнинг хизмати, айниқса, таҳсинга лойиқ.

Попнинг гўзаллигидан куннинг ҳар қандай пайтида завқ олиш мумкин. Лекин оқшом тушганда чироқлар ёғдусида уни томоша қилишнинг қиёси бўлмаса керак. Ёшлар марказида бўлаётган «Чоршанба оқшомлари»ни кузатсангиз, Попнинг эртанги кунига назар ташлагандай бўласиз. «Дўстлик» стадиони қайта таъмирланди, бозор янги жойга кўчирилди, «Олтин бошоқ» мажмуи куни кеча эшикларини очди. Бизнес мактаби коллежга айлантириляпти. 12-автокорхона қурилиши тугалланиш арафасида. Туманда 3 та қўшма корхона ишлаб турибди. Мактабларга қаратилаётган эътибор ҳам диққатга сазовордир. Бошқа жойларда ҳар бир мактаб ўз ҳомийларига эга бўлса, Попда ҳар бир синф хонаси тегишли корхона ёки фермер назарида. Қўқон шаҳридан келган бир гуруҳ халқ таълими ходимлари Попдаги ишларга ҳавас қилиб кетишди.

Булар ташқи кўринишдаги ўзгаришлар. Айни пайтда попликлар қалбида шундай эврилишлар бўляптики, уни ҳис этмай иложимиз йўқ.

### БИР ЙИЛ ОЛДИН ВА...



**Ушбу суратлар деярли битта нуқтадан олинган. Фарқи шуки, чап томондагиси бир йил олдин, ўнгдагиси эса бугунги кунда тасвирга туширилган. Бундай ўзгаришлар ҳар бир поплик қалбида ишонч ва ғурур туйғуларини жўш урдирмоқда.**

### БУГУН



## ТАФАККУРДА

Президентимизнинг яхши бир қанотли иборалари бор: «Ҳаёт тафаккурни ўзгартиради». Бу пурҳикмат хулосани Попда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан татбиқ этса бўлади, деб ўйлаймиз. Туманда юз бераётган кенг кўламдаги ўзгаришлар Поп халқининг қалбини ғурур ҳисларига тўлдирди. Ўз юртини гўзал кўриш орзуси армондан ҳаётий воқеликка айланганини кўрган попликлар вужудида уйғонган ифтихор уларга битмас-туганмас қудрат ато этди.

— Мен ўзим русча ўқиб, русча тарбия олганман, — дейди фуқаро С. Шомаҳмудова. — Ёшим 36 да. Бу ёшда ҳар қандай одамнинг дунёқараши тўлиқ шаклланган бўлади. Уни ўзгартириш мушкул. Кўнглимда ишончсизлик туйғуси устувор эди. Лекин Попда кейинги пайтда амалга оширилган ислоҳотларни кўриб, тасаввурларим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Катталарни қўйинг, мурғак болажонларимиз ҳам бу ишлардан хурсанд бўлишяпти.

«Пахтакор» маҳалласи, 9-уйнинг 38-хонадонида яшовчи Майнахон Турдиева туман ҳокимлигига шундай хат ёзибди: «Попдаги янгиланишдан танамга куч кириб, юрагимда туғилган яхши гапларни айтмасам, армонда қолмай, деб ушбу мактубни битдим».

Чоркесар шаҳарчаси, «Шахтёрлар» кўчаси, 1-3-уйда яшовчи Зебохон Нуриддинованинг турмуш ўртоғи 1996 йилда вафот этган экан. Бугун бу аёлнинг ўғли Рустамхон биринчи синфда ўқийди.

— Мен фарзандим тезроқ катта бўлишини, бугун ислоҳотларни юргизаётган бунёдкор кишилар сафидан жой олишини истайман. Боламнинг ўқиши учун ҳамма нарсага тайёрман, — дейди Зебохон.

Ахир бу гапларда онанинг ўз фарзандига меҳри Ватанига бўлган муҳаббати билан қоришиб кетмаганми?!

Демак, энг эзгу ниятлар билан қилинаётган ишлар самара беряпти. Одамлар тафаккури камол топмоқда. Аслида обод ва озод Ватан қуришнинг бош шарти шу эмасми?!

Бир пайтлар Попда меҳнат билан донг таратган кишилар шаънига қўшиқлар яратилганди. «Попнинг попук қизлари», «Менга навбат» каби эл оғзига тушган қўшиқларда Ширмоной каби пахтакорлар улуғланганди.

— Бугун ўша авлоднинг давомчилари янаям янги марраларга чоғланишган, — дейди меҳнат фахрийси Абдулҳафиз ота Мамадалиев. — У даврларда ҳозиргидек эркинлик бормиди?! Одамларимиз бир-икки йилда ҳам туб ўзгаришга эришиш мумкинлигини тушуниб етдилар. Энди Попнинг парвозини ҳеч ким тўхтатолмайди.

Наҳотки, Попда ҳамма ишлар зўр бўлса? Бирор соҳада кўнгил тўлмайдиган ўринлар бўлмаслиги мумкинми? Шундай иштибоҳ билан туман ҳокими Рустам Исматуллаевга мурожаат қилдик.

— Эҳ-ҳе, камчиликларимиз жудаям кўп, — деди суҳбатдошимиз. — Фермерларга ер ажратишда кампаниявозликка йўл қўйилган. Демак, ер ўз эгасини топмаган. Бундай ҳолларни бартараф этиш учун аниқ чора-тадбирлар белгилаб, уларни изчил ҳаётга татбиқ этаяпмиз.

Ҳокимнинг эътирофича, ҳали кўнгил тўлмайдиган ишлар анчагина. Ислоҳотлар моҳиятини саноқли одамлар англагани билан иш юришиб кетмайди. Попда энди ўзгариш қилишга ишонч туйғуси қарор топди. Демак, буёғи жадал кетади.



*Оқшом оғушида нурга чулғанган Ёшлар маркази Поп шаҳрига ажиб жозиба бахш этган.*

**Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган суратлар.**

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

*Қарор ва ижро*

# ТЕЖАЛГАНИ НАҚД БОЙЛИК

## Бу шиорга электр қувватидан фойдаланишимизда ҳам амал қилишимиз зарур

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 февралдаги қарорига биноан, электр энергиясини назорат қилиш бўйича «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ташкил этилди. Шу билан бирга, унга электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш, сотиш ва ундан фойдаланиш, кўмир қазиб олиш соҳасида давлат бошқарув органи ваколати берилди. Мазкур идора вужудга келганидан бери қандай ишларни амалга оширди, унинг фаолияти шу куннинг талабига жавоб берадими», деган табиий савол туғилади.

Айни пайтда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг электр станцияларида йилига 47,1 миллиард киловатт соат энергия ишлаб чиқарилади. Бунинг учун 16,2 млн. тонна шартли ёқилғи сарфланади. Шунча ёқилғи ва катта меҳнат ҳисобига ҳосил қилинган энергияни истеъмолчиларга етказиб бериш, уни сотиш ва ишлатишнинг аҳволи қай даражада?

Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланувчи корхоналар томонидан ўтган йили 385 млн. 438 минг киловатт соат электр энергияси иқтисод қилинишига қарамасдан, ҳозир бу борада ускуналарни модернизация қилиш, уларнинг янгиларини ўрнатиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва шунинг ҳисобига энергияни тежаш каби ишлар режалаштирилмаяпти. Кўпчилик корхоналарнинг раҳбарлари молиявий аҳволни рўкач қилиб, энергия истеъмол қилиш даражаси паст бўлган қурилмаларни ўрнатиш, компьютер тизимини жорий қилишни пайсалга солиб келмоқдалар.

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги томонидан ўтган йили ва жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган 5162 та текширув натижасида 2618 корхона ва ташкилотда қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, 1470 жойда электр ва иссиқлик истеъмол қилувчи ускуналар носоз аҳволда эканлиги, 201 истеъмолчи ускуналарни ўзбошимчалик билан электр тармоғига улаб олганлиги, 243 хўжалик юритувчи субъект ноқонуний равишда электрдан иситиш мақсадларида фойдаланганлиги, 131 ҳолатда электрдан яширинча фойдаланганлиги, 3672 нафардан кўп истеъмолчилар электр энергиясини белгиланганидан ортиқча сарфлаганлиги маълум бўлди.

Текширишлар натижасига кўра, жами 1418 минг киловатт соат электр энергияси меъёрдан ортиқча ишлатилганлиги аниқланди. Айбдорларга нисбатан чора кўриш учун маҳаллий ҳокимият органларига 1230 та тақдимнома юборилди, 1565 шахсга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди, 509 мансабдор шахсга эса маъмурий тартибда жарима солинди. Шу билан бирга, 741,4 млн. сўмлик иқтисодий жазо чоралари қўлланилиши сўралиб, тегишли ҳужжатлар прокуратура органларига юборилди.

Бундай нохуш ҳодисаларнинг асосий сабаби электр таъминоти корхоналарининг ўз ихтиёридаги тармоқлар устидан етарли даражада назорат ўрнатмаганлигидир.

Айни пайтда «Ўздавэнергоназорат» агентлигида 105 нозир ишламоқда. Ваҳоланки, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг шаҳар ва туманларда 200 дан ортиқ тармоқлари мавжуд. Агар ҳар бир ҳудудда 500-700 корхона, ташкилот, муассаса, ўрта ва кичик бизнес объекти борлигини ҳисобга олсак, ҳар бир жойга биттадан ҳам нозир тўғри келмаслиги маълум бўлади.

Электр ва иссиқлик энергиясини тежамкорлик билан ишлатиш, республикамиз ер ости бойликларини асраш борасида ноанъанавий электр ресурсларини татбиқ этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шу мақсадда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш, дарё ва каналларда кичик гидроэнергетикани ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ҳозир республикамизда кам бўлсада ишлаб турган дарё ва каналлар бўйларидаги кичик ГЭСларни кўпайтириш ёки Германия, Дания ва Испания давлатларидаги бу борадаги тажрибадан фойдаланиш зарур.

Яна бир муҳим масала ҳам борки, у иккиламчи энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Атмосферага чиқиб кетаётган газлар иссиқлиги ва иситиш қурилмаларидаги иссиқликдан қайта фойдаланиш, утилизация қилиш ва шу ҳисобига бирламчи энергия истеъмолини камайтириш бунга мисол бўла олади.

Умуман, электр энергиясидан оқилона фойдаланиш республикамиз иқтисодиётига катта фойда келтириши билан бирга, ер ости бойликларимизни ҳам асраш имконини беради. Назаримизда, ҳозир барча тармоқларда бўлаётгани каби мазкур соҳада ҳам тежамкорлик борасидаги фаолиятга кенг эрк бериш, бу хусусда лозим бўлса жаҳон тажрибасидан фойдаланиш айни муддаодир.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Хушхабар*

# УФАДАН ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН

МДҲнинг етакчи олимларидан иборат ҳайъат аъзолари бу гал ҳам самарқандлик талабаларнинг илмий ишларини юқори баҳолашди. Яна медаллар ва дипломлар, анжуманнинг алоҳида қимматбаҳо совғалари...

Уфа шаҳрида ўтказилган «Болалар хирургияси: анестезиология ва реаниматологиянинг долзарб муаммолари» мавзуидаги талабаларнинг IX Бутунроссия анжуманида мамлакатимиз шифокорлари шарафини яна профессор Азамат Шамсиев бошлиқ самарқандлик талабалар ҳимоя этишди. Вакилларимиз Россия, Украина, Белорусс, Қозоғистон давлатларидан борган 64 та тиббиёт институти талабалари билан бирга ўз билимларини намойиш этишди.

Илмий маъруза қилган талаба Суҳроб Зайниев биринчи даражали, Сергей Ловягин ва Наира Давидян иккинчи, Вадим Гришаев ва Азиза Одилова учинчи даражали дипломлар билан тақдирланди. Самарқанд тиббиёт институтининг 2-болалар хурургияси кафедраси қошидаги талабалар илмий жамияти ўтган йиллардаги муваффақиятни такрорлаб, олтин медаль ва биринчи даражали дипломни қўлга киритишди.

— 15 йилдан буён ана шу нуфузли анжуманда қатнашиб келяпмиз, — дейди профессор А. Шамсиев. — Ҳар йили юқори ўринларни қўлга киритаётганимиз республикамизда ёш мутахассисларга катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Газетада босилмади, аммо...*

# МИННАТДОР БЎЛИШДИ

**Таҳририятга Денов туманидаги Ш.Қобилов номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Ж.Норбоев ва бошқалардан шикоят хати келди. Унда хўжаликдаги электр энергияси таъминотидаги узилишлар ҳақида ёзилганди.**

**Ушбу хат юзасидан Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Р.Нуралиев қуйидагиларни маълум қилади:**

***«Ҳақиқатан ҳам электр энергияси таъминотида узилишлар бўлган. Бунга аҳолининг турли об-ҳаво шароитида, ҳар хил иситиш мосламаларидан фойдаланиши, экин майдонларининг насослар орқали суғорилиши натижасида электр энергияси лимитидан ошиб кетганлиги сабаб бўлган. Шу боис бу чеклаш жадвал асосида юз берган.***

***Бу хусусда фуқаролар билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Камчиликларга барҳам берилди».***

# «МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН!»

Давлат билан жамиятнинг жипслигини таъминловчи маҳалла инсон манфаатларининг ўзига хос чорраҳасига айланди. Бир сўз билан айтганда Ватан айнан маҳалладан бошланади.

Энергетиклар шаҳри бўлган Тахиатошда «Маҳалладан бошланур Ватан» деб номланган тадбирлар бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси ва Тахиатош шаҳар ҳокимлиги уюштирди. Шаҳардаги 8 та маҳалланинг барчасида фаоллар йиғинлари ўтказилиб, уларда Президент Ислом Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, жойларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, тўй ҳамда маросимларни тартибга солиш, ёш авлод тарбиясини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шундан сўнг ҳар бир маҳалла вакиллари шаҳар миқёсида ўтказилган маслаҳат йиғилишига тўпландилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Аъзам Гадойбоев сўзга чиқди. «Маҳалла» жамғармасининг фаолиятини яхшилаш, нуфузини ошириш юзасидан амалий таклифлар ўртага ташланди. Нотиқлар энергетиклар шаҳрини янада кўркам, обод, ораста шаҳарга айлантириш, фуқаролар ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш бўйича фикр айтдилар. Йиғилишнинг ўзида мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш чоралари белгиланди.

— Бу тадбир шаҳримиз ижтимоий ҳаётида эсда қолгулик воқеа бўлди, — дейди Тахиатош шаҳри ҳокими, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати Марат Жумабоев. — Маҳалланинг бутун жамият ривожидаги ўрнини яхши биламиз. Лекин унинг имкониятларидан ҳали самарали фойдалана олмаётганимизни, бу борада яна қатор омиллар борлигини чуқур англаб етдик. Қуш қанотлари билан парвоз қилади. Биз ҳам энергетиклар шаҳрининг яна ҳам гўзал, фаровон қилишда айнан маҳаллаларга, жамоатчиликка суянишимиз керак!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚУРУҚ ВАЪДАМИДИ ЁКИ АЛДОВ?!

«Халқ сўзи»нинг 2001 йил 8 ноябрь сонида босилган «Қашқадарёда телефон бошқачами?..» сарлавҳали мақолани ўқигандирсиз. Ёдингизда бўлса, унда вилоятда телефон хизмати ночор ҳолатда эканлиги танқид қилинганди. Орадан кўп ўтмай, яъни 29 ноябрда газетада «Ўзбектелеком Интернейшнл АЖ» қўшма корхонаси бош директорининг мақолага жавоби ҳам эълон қилинди. Жавобда «2002 йилнинг январь ойидан бошлаб Қарши шаҳри ва Китоб туманида янги замонавий электр алоқаси ускуналари ишга туширилиб, мижозларга тез ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш йўлга қўйилади» дейилганди. Шундан бери анча вақт ўтди. Мана май ойи ҳам охирлади. Лекин... «замонавий электр алоқаси ускуналари» ишга туширилганича йўқ. Беихтиёр ўйлаб қоласан киши. Бу ваъдамиди ёки шунчаки алдов? Наҳотки республикадаги нуфузли идора раҳбари бутун бир вилоят аҳлини алдаган бўлса... Уйдаги гап кўчага тўғри келмаслиги мумкин. Бироқ орадан ярим йил ўтсаю, ваъда ваъдалигича қолаверса, буни қандай баҳолаш керак?

Шу ўринда Қашқадарё вилоятида 1997 йил 1 апрелда Индонезиянинг «Бакри» гуруҳининг «Корпорейшн» коммунейшнл» фирмаси билан ҳамкорликда «Қашқадарётелеком» қўшма корхонаси тузилганлигини эслаш жоиздир. Шартномага кўра индонезиялик ҳамкорлар 49 фоиз, яъни 52 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишлари керак эди. Унга замонавий технология сотиб олиш режалаштирилганди. Шунга кўра 1997 йилда 10 та АТС келтирилди. Лекин унга бор-йўғи 15 фоиз тўлови тўланган эди, холос. Натижада «Алкатель» фирмаси ускуналарни ўрнатишга рухсат бермаган.

— Фақат 2001 йилнинг май ойидан Германиянинг «Алкатель» фирмаси томонидан олиб келинган 10 та 24200 рақамли АТСларни монтаж қилиш ишлари бошланди, — дейди «Қашқадарётелеком» корхонаси бош директори Самад Каримов. — Ҳозирги кунда Қарши шаҳрида 12700 рақамга, Китоб туманида 3500 рақамга, Яккабоғ туманида 3300 рақамга, Чироқчи туманида 2000 рақамга ва Қамашида 2500 рақамга мўлжаллан-

*Мавзуга қайтиб*

ган АТСлар монтаж қилиб бўлинди. Қарши шаҳридаги 6 та АТС бир-бири билан шиша толали кабеллар орқали боғланди ва рақамли узатиш тизими жорий этилди. Шаҳрисабз-Китобда ҳам шиша толали кабеллар ётқизилиб, ушбу рақамли узатиш тармоғига уланган.

Шаҳрисабз-Қарши ўртасида рақамли тизим мавжуд эмас. Шунинг учун бу АТСлар сифатли ишламайди. Қарши-Тахтақорача-Шаҳрисабз орқали ўтадиган 980 каналда РРЛ «Радиус» русумли ускуна сотиб олинди. Уни монтаж қилиб, айни кунда «тестировка» ишларини олиб бораяпмиз.

Бу АТСларни ўрнатиш учун «Ўзбектелеком» ва Индонезиянинг «Бакри» фирмаси ўртасида баённома тузилди. Шунга кўра «Бакри» фирмаси АТСлар ва бошқарув программасини «Алкатель» фирмаси томонидан сотиб олинишини кафолатлади. «Ўзбектелеком» эса монтаж ишлари, шиша толали кабеллар, узатиш тизими ва биноларни тайёрлаш учун сарф бўладиган харажатларни ўз зиммасига олди.

«Қашқадарётелеком» корхонаси ана шу мақсадлар учун 430 миллион сўм маблағ сарфлади. Бироқ Индонезиянинг «Бакри» фирмаси олган мажбуриятини бажара олмади. Натижада 2001 йил октябрь ойидаёқ тайёр бўлган АТСларни, бошқарув программаси йўқлиги учун ишга туширишнинг иложи бўлмади.

2002 йил март ойида «Бакри» фирмаси ҳамма тўловлардан бош тортди. Шунинг учун бошқарув программасини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги 150 минг АҚШ доллари миқдорида квота ажратди. «Ўзбектелеком» корхонаси «Алкатель» фирмаси билан шартнома расмийлаштирди.

2002 йил июнь ойининг биринчи ўн кунлигигача бу ишни охирига етказиш кўзда тутилмоқда.

Айтинг, айтинг, ҳамкорлар бошқарув программасини олиб келишсин. Шунда зора ваъдалар бажарилар, баҳоналар тугар. Кошки эди шундай бўлса. Баҳона ва қуруқ ваъдалар ҳеч кимга обрў келтирмаган, келтирмайди ҳам. Хоҳлаган имкон топади. Бу аниқ. Баҳона ҳам топилаверади. Буни ҳам кўриб турибмиз. Лекин баҳоналар, ваъдалар замонавий электр алоқаси ўрнини босармикан?..

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Қариялар эл фахри, юрт ифтихори» танловига

# РАЙҲОН ИСИ КЕЛАР, ҲОВЛИДАН



***Кексайганда ҳам оила, уй-рўзғор, экин-тикин ташвиши билан бўлиб тиниб-тинчимайдиган отахону онахонлар беҳисоб. Уларнинг тилидан бир гап сира тушмайди: «Қариган чоғида ғайратимни олсанг ҳам, кучдан қолдирма Яратган эгам. Илоё, ўзимизни ўзимиз эплаб юрайлик...»***

***Фотомухбиримиз Нўъмонжон Муҳаммаджонов суратга туширган бу пиру бадавлатлар шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманидаги Зарқайнар маҳалласида яшовчи Умринисо ва Абдураззоқ ота Ваҳобовлардир. Ўғил-қизлар, набиралар эъзози, ардоғида бўлишса-да чолу кампир бир ерда сира тинч ўтиришолмайди. Хомток қилиш борми, дарахтлар парвариши дейсизми, ўзларидан қолмайди. Ҳовли саҳнидаги райҳону гулларга алоҳида меҳр билан қарашади. Ҳар не бўлса ҳам болажонларга кўмак бўлсин дейишади-да... Фарзандлар бахтига ана шундай тиниб-тинчимас қарияларимиз омон бўлишсин.***

Янги аср таълими: изланиш ва тажрибалар

# ТАЛАБАЛАР — ГРАНТ СОҲИБИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида: «Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собит қадам фаолият амалга оширилади» деган сўзлар бор. Ҳа, иқтидорли ёшларни хорижий илм-фан ва таълим марказларида малака ҳосил қилиш учун сафарбар этиш — ҳозирги кунда республикамизда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, кўп нарса ёшларнинг ўзига боғлиқ. Изланган, интилганга толе ёр, дейдилар. Давр, мустақиллик ёшларнинг камол топиши учун шароит яратдими, бу имкониятдан фойдалана билиш ҳам керак.

Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети Италиянинг Триесте шаҳрида жойлашган ЮНЕСКО ҳомийлигидаги «Абдус-Салам» номли халқаро назарий физика маркази билан бир неча йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур марказ ривожланаётган мамлакатлардаги физика ва математика фанлари бўйича шуғулланаётган олимларни, жумладан, шу фанлар майдонидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаб келаяпти. Ўзбекистон ана шундай мамлакатлардан биридир.

Биз, ўзбекистонлик олимлар-академик Ш.А.Аюпов, профессор Н.А. Ғаниxўжаев ва мен «Абдус-Салам» илмий марказига математика физика ва алгебра соҳасида ҳали ечилмаган, долзарб бир масалани ҳамда бу масаланинг ечими устида ишлайдиган иқтидорли ёшлардан иборат илмий гуруҳнинг рўйхатини тавсия этдик. Бу гуруҳ таркибида 4 нафар бакалавр талаба, 1 нафар магистр ва 2 нафар аспирант бор. «Абдус-Салам» марказида биз қўйган масалани ҳақиқий, долзарб масала деб топилди ва биз тавсия этган гуруҳни факультетимиз қошида тузилган ўз илмий лабораторияси, деб ҳисоблади. Юқоридаги ишни бажариш учун уч йил муддат белгиланди. Биринчи йил учун 3 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Бу маблағдан 1400 долларига компьютер сотиб олишга қарор қилинди. 1600 доллар эса илмий гуруҳ аъзолари бўлган иқтидорли ёш тадқиқотчиларга стипендия сифатида тарқатилади.

Хўш, бу гуруҳ қандай шаклланди? Дастлаб менинг ўзим факультет профессори сифатида 1999 йили «Абдус-Салам» илмий марказининг танловида қатнашдим. Талаб қилинган ҳужжатларни жўнатдим. Қарангки, танловда ғолиб бўлиб, марказга таклиф этилдим. Триесте шаҳрида 2 ой бўлиб, Англиянинг Бирменгем университети профессори В.Эверид илмий раҳбарлигида ишладим. У билан ҳамкорликда тайёрлаган мақолам илмий журналларда нашр этилиб, муваффақият қозонди. Кейин, 2001 йилда яна 2 ҳафтага таклиф қилиндим. Илмий марказ семинарларида маърузалар билан қатнашдим.

Илмий сафардан қайтгач, факультетимиз талабаларини «Абдус-Салам» илмий маркази танловларида қатнашишга даъват этдим. Менинг бу тарғиботим талабаларимизни руҳлантириб юборди.

Ҳозирги кунда ушбу марказнинг яна бир грантини қўлга киритиш учун лойиҳа устида ишлаяпмиз. Бу гуруҳга Ҳиндистон олимлари ҳам қўшилишади.

Иқтидорли талабалар Моҳинисо Хидирова Германияга бориб халқаро иқтидорли ёшларнинг илмий анжуманида муваффақиятли маъруза қилди. Ф.Муҳаммедов, У.Розиқов каби ёш олимларимизнинг илмий мақолалари хорижий матбуотда чоп этиб келиняпти. Илмий гуруҳга аъзо бўлган аспирантлардан Адҳам Абдувайитов, Максим Соколов, магистр Денис Потапов, талабалардан Олим Эшматов Ҳикмат Собиров, Дмитрий Занин, Марат Йўлдошевлар ҳам илмий мақолалар тайёрлаганлар. Улар илмдаги дастлабки қувонарли қадамлари билан халқаро илмий марказ грантини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар ва илмий гуруҳга бирлашдилар.

Улардан ташқари, Буюк Британиянинг Кардиф шаҳрига дифференциал тенгламалар соҳаси бўйича бир неча аспирантларимизни илмий иш билан шуғулланиш учун жўнатишга ҳозирлик кўраяпмиз.

Хуллас, иқтидорли талабаларимиз илм-фанда халқаро доираларга чиқаётганини кўриб, фанимиз равнақи ишончли қўлларга ўтаётганидан мамнунлик ҳис этасан, киши.

**Равшан АШУРОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети декани.**

Тил қадри — эл қадри

# ҲАФСАЛА ҚИЛИНСА, БАС

## демоқда лотин алифбосини тўла ўзлаштириб олган корхона ишчи-хизматчилари

Бунинг учун кўп вақт талаб этилмайди. Қорасув шаҳридаги лицейнинг тажрибали ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимларининг корхонага таклиф этилиши айни муддао бўлди. Улар ўттиз соатлик ўқув дастури асосида машғулотлар олиб бордилар. Муаллимга эса зарур бўлган ҳамма шароит яратиб берилди.

Машғулот жараёнида 31 та кичик ҳажмдаги автобус ва юк ташувчи транспорт воситаларидаги автокорхона белгилари, йўналишларнинг номлари тўла янги ёзувга ўтди. Мавжуд автомашина ҳамда бошқа транспорт турлари қайтадан жиҳозланиб, бўялди. Шунингдек, тарғибот воситалари ҳам лотин алифбосида ёзиб чиқилди.

— Корхонамизда 87 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди Қорасув шаҳридаги 39-автокорхона раҳбари Адҳамжон Аҳмаджонов. — Ҳаммамиз лотин алифбосида мустақил ўқиб, ёзишни ўзлаштириб олдик.

Жамоада ташаббусларга кенг йўл очилгани, илғор тажрибалар оммалашаётгани, пешқадамлар эса мунтазам рағбатлантириб борилаётгани ютуқлар омили бўлаётир. Бу ерда биринчи чоракда 28 миллион сўм миқдорида даромад топилди. Шундан 3 миллиони соф фойдани ташкил этади. Ҳалол меҳнат эвазига қўлга киритилган бойликнинг бир қисми инсон омилига бўлган эътиборни кучайтириш, кенг кўламда ободонлаштириш, маданий-маърифий ишларни янада жонлантиришга йўналтирилмоқда. Чунончи, май ойидан бошлаб ҳар бир ҳайдовчига кунига тушлик учун 500 сўмдан пул берилаётир.

Жамоа яна бир хайрли ишга қўл урди. Ҳашар йўли билан юз ўринли ошхона ҳамда чойхона биноларини тиклашга киришилди. Бу каби саъй-ҳаракатлардан ҳайдовчилар ҳам, йўловчилар ҳам мамнун бўлмоқдалар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



«ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ ЭШИТАДИ

# МАЪЛУМОТ ТАСДИҚЛАНДИ

«Ишонч» телефонига тушган тезкор маълумотлардан бирини текшириш жараёнида «Фахмиддин» хусусий фирмасининг Тошкент халқа йўли бўйидаги «Жаҳонгир» дўконида катта миқдорда акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари сотилаётганлиги тасдиқланди.

Текширувни Чилонзор ва Зангиота туман солиқчилари Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда олиб бордилар. Тезкор тадбир давомида хусусий тадбиркор У. Холматовга тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатноманинг амал қилиш муддати аллақачон тугаганлиги, дўкондаги назорат касса машинаси хўжакўрсин учун ўрнатилганлиги, акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари эркин сотилаётганлиги маълум бўлди.

Шу куни фуқаро У. Холматовга тегишли бўлган умумий қиймати 40,9 миллион сўмлик 107 минг 423 қути ноқонуний тамаки маҳсулотлари, банкка топширилмай йиғиб қўйилган 1,1 миллион сўм нақд савдо пули далилий ашё сифатида олинди. Ҳуқуқбузар У. Холматов ва унинг гумаштаси А. Мансуровга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

# СИРЛИ САФАР

Оққўрғонлик бир гуруҳ аёллар кунда-кунора «Янги Чинор» деҳқон бозори ёнида пайдо бўлиб қолишарди. Ҳар бирининг қўлида бакалажкалар солинган оғир сумкалар, катта-кичик конистрлар бўларди. Қозоғистон Республикасининг Словянко қишлоғига қатновчи автобусларга чиқишарди-ю бир зумда кўздан ғойиб бўлишарди.

Сирли сафар ҳақида «Ишонч» телефонига маълумот тушгач, Чиноз туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари кузатишни бошладилар. Маълум бўлишича, Оққўрғон туманининг «Хонқа» ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида истиқомат қилувчи Сайёра Қурбонқулова, Дилбар Суханова, Ойгул Аҳмедова ва Озода Дўсматова турар-жойларидаги тракторчилардан ҳар бир литрини 80 сўмдан сотиб олган дизел ёнилғисини йиғиб қўшни республикага олиб ўтиб, устама нархларда сотиб келишар экан. Улар бир қатнашда 540-600 литр дизел ёнилғисини «гум» қилишарди.

Охирги куни солиқчилар 1000 литр солярkани қўлга тушириб «тижоратчи» аёллар фаолиятига чек қўйдилар. Ушлаб қолинган солярка вақтинча сақлаш учун «Йўлтушган» ширкат хўжалигининг ёнилғи сақлаш омборхонасига топширилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

# ЁҒИ ДОҒ БЎЛМАДИ

Бир пайтнинг ўзида ҳам Зомин туманидан, ҳам Мирзачўл туманидан «Ишонч» телефонига қўнғироқ бўлиб қолди. Қўнғироқ қилган ҳар иккала фуқаро ҳам яширин ёғ цехи ҳақида маълумот берди. Дарҳол тезкор гуруҳ аъзолари айтилган манзил томон жўнаб кетдилар.

Даштобод шаҳарчаси Иқбол қўрғонида истиқомат қилувчи фуқаро К. Эсонов ўз хонадонида рухсатсиз ва ҳужжатсиз иккита мойжўвоз мосламасини ўрнатиб, пахта ёғи ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиб юборган экан. Солиқчилар яширин цехни кўздан кечириб сотишга шай қилиб қўйилган 87 килограмм ёғ, 650 килограмм кунжара ва 3150 килограмм чигитни далилий ашё сифатида олдилар.

Мирзачўл туманидаги Гагарин шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Б. Холдоров ҳам ёғфурушликни касб этиб олган экан. Шу мақсадда хонадонида яширинча моторли двигател ўрнатиб, пахта ёғи ишлаб чиқараётган экан. Ўтказилган текширув давомида яширин цехдан сотиш учун тайёрлаб қўйилган 80 литр пахта ёғи, 300 килограмм кунжара ва бошқа хил хомашёлар олинди. Истеъмолга яроқсиз ёғ ишлаб чиқариб ҳамқишлоқлар саломатлигига зомин бўлаётган жиззахлик ҳар иккала сохта тадбиркор энди тегишли жазосини олади.

***Давлат солиқ қўмитасида ўрнатилган 144-98-98, 144-99-22, 144-97-16, 144-98-60, 144-97-15 рақамли «Ишонч» телефонлари куну тун ишлаб турибди. Ўзингиз кўрган ва билган ҳуқуқбузарликлар ҳақида бизга маълум қилинг, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга ҳиссангизни қўшинг!***

**Жасур НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.**


Азиз ҳамюртлар!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

2002 йил 1 июндан эътиборан 6 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб, омонат миқдори ҳамда муддатига мутаносиб равишда йиллик 42 фоиздан 46 фоизгача даромад тўланадиган янги, манфаатли ва қулай бўлган бетакрор

«ОНА ЗАМИН САХОВАТИ»

жамғарма омонат турини таклиф этади!

Сиз ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

«Пахта Банк» сизларга соғлиқ, хуш кайфият ва оилавий қувонч тилайди!

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

5850/1065



ALUCOBOND

Мы преобразим облик вашего здания!

БЕСПЛАТНО
Вызов специалиста.
Разработка дизайна.
Доставка.
Установка.

АЛЮМИНИЕВЫЕ КОМПОЗИТНЫЕ ПАНЕЛИ

ДЛЯ НАРУЖНОЙ И ВНУТРЕННЕЙ ОТДЕЛКИ ЗДАНИЙ

Гарантируем качество при оптимальной цене!

Тел./факс 195-41-53, тел. 187-44-65, 188-98-42.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

бўш (вакант) профессор-ўқитувчи лавозимларга меҳнат шартномаси асосида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| | |
|---|---|
| КАФЕДРА МУДИРЛАРИ: | тупроқшунослик; ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси; педагогика ва психология; ипакчилик ва тутчилик; ахборот технологиялари ва халқаро алоқалар; чет тиллар. Кафедра мудирлигига фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцентлар қатнашишлари мумкин. |
| ДОЦЕНТЛАР: | энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш (1); фитопатология ва ўсимликлар физиологияси (1); деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси (1); педагогика ва психология (1); физика (1); ипакчилик ва тутчилик (1); ахборот технологиялари ва халқаро алоқалар (1); агробизнес ва менежмент (1); микроиқтисодиёт (1); бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молия (4). |
| КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: | бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молия (1); агробизнес ва менежмент (2). |
| АССИСТЕНТЛАР: | тупроқшунослик (1); энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш (1); ҳуқуқ (3); Ўзбекистон тарихи (1); қишлоқ хўжалик биотехнологияси (1); ўсимликшунослик (2); ботаника (1); маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, мева-сабзавотлар селекцияси ва уруғчилиги (1); педагогика ва психология (2); агроэкология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (1); умумий зоотехния (1); ипакчилик ва тутчилик (1); бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молия (3); эконометрия ва информатика (1); ахборот технологиялари ва халқаро алоқалар (1); демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (1); агробизнес ва менежмент (3); макроиқтисодиёт (5); олий математика (1). |
| ЎҚИТУВЧИЛАР: | чет тиллар (8); тиллар (3). |

*Танлов учун ҳужжатлар 2002 йил 17 июнгача қабул қилинади.*

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади: 700140, Тошкент шаҳри, Тошкент давлат аграр университети, бош бино, 3-қават, ходимлар бўлими. Телефон: 63-63-35.

5851/1058

